

O'zbekiston Respublikasi
Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

ilmiy-uslubiy jurnal
Samarqand

3 (52)/ 2014

Ministry of Higher and Secondary Special Education
of the Republic of Uzbekistan
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal
Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№3 (52), 2014.

*Уч ойда бир марта чиқадиган
илмий-услубий журнал*

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти

Бош муҳаррир: *Ганишер РАҲИМОВ*
Масъул котиб: *Абдували ЭШҚОБИЛОВ*

Таҳрир хайъати:

АБДУЛЛАЕВА Людмила
БУШУЙ Анатолий
БУШУЙ Татьяна
ЖАББОРОВ Салим
МАҲМУДОВА Муяссар
МИРЗАЕВ Ибодулло
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
(муҳаррир ўринбосари)
УСМОНОВ Ўрол
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
ҚАМБАРОВ Носир

Жамоатчилик кенгаши:

ВОЛЬФ Аннет (Германия)
ГИЙОМ Оливье (Франция)
ЯСУО Кочучи (Япония)
БОҶИЕВА Гуландом
МАКНАЛТИ Стив (Британия)
ҚЎЛМАМАТОВ Дўстмамат
АШУРОВА Дилором
ИРИСКУЛОВ Аббос
РАҲИМОВ Сотiboldи
РИЗАЕВ Баҳодир

*Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.*

Таҳририят манзили:

*Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси 93,
СамДЧТИ.*

Телефонлар: (998-662) 233-78-43.

Факс: (998-662) 210-00-18.

Email: ssifl_info@mail.ru

*Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.*

ISSN: 2181-743X

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2014 йил.

МУНДАРИЖА

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№3 (52), 2014.

Scientific-methodical journal

Founder: *Samarkand State Institute of Foreign
Languages*

Editor-in-Chief: *Ganisher RAKHIMOV*
Executive Secretary: *Abduvali ESHKOBILOV*

Editorial Board:

ABDULLAEVA Lyudmila
BUSHUY Anatoliy
BUSHUY Tatyana
JABBOROV Salim
MAHMUDOVA Muyassar
MIRZAYEV Ibodullo
TURNIYOZOV Nemat
(vice editor)
USMONOV Ural
KHOLBEKOV Mukhammadjon
KAMBAROV Nosir

Public Council:

WOLFF Annett (Germany)
GUILLAUME Olivier (France)
JASUO Kochuchi (Japan)
Boqiyeva Gulondom
MCNULTY STEVE (Britain)
KULMAMATOV Dustmammat
ASHUROVA Dilorom
IRISKULOV Abbos
RAKHIMOV Sotiboldi
RIZAYEV Bakhodir

*The journal is included into the of required
publications according to the recommendation of the
expert council in filological sciences of Higher
Attestation Committee (Proceeding #2 from March 10,
2014).*

Address of Editorial Office:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.

Phone: (998-662) 233-78-43

Fax: (998-662) 210-00-18

Email: ssifl_info@mail.ru

The journal was registered with No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information. The journal has been published since 2001.

ISSN: 2181-743X

© Samarkand State, 2014 Institute of Foreign
Languages.



ТИЛШУНОСЛИК

Турниёзов Н. МАҲМУД КОШҒАРИЙ ВА ҲОЗИРГИ ТИЛИМИЗДА СЎЗ ЯСАЛИШИ ҲОДИСАСИ ҲАҚИДА.....	7
Насруллаева Н. ГЕНДЕРНЫЕ СТЕРЕОТИПЫ ВО ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА.....	11
Мирсанов Ғ. АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКА ИФОДАЛАНИШИДА ТЕМПОРАЛ БИРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ.....	14
Қдырбаева Г. ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗЗАБОН ИЗОҲЛИЛУҒАТЛАРИДАГИ “МАН” КОНЦЕПТОСФЕРАСИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАЛҚИНИ.....	18

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Махмудов А. Г.Э.ЛЕССИНГ “ДОНИШМАНД НАТАН” ДРАМАСИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	23
Очилова Д., Холбеков М. ЖОН ДРАЙДЕН ВА УНИНГ “АВРАНГЗЕБ” ФОЖИАСИ АСАРИ.....	26
Ҳолиқов Б. XX АСР ДЕТЕКТИВ ЖАНРИДА ИЗҚУВАР ТАЛҚИНИ	35
Қобилов У. ДУНЁВИЙ МАВЗУНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ ТАЛҚИНИ.....	39

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Сафаров О. СУПТУАГИНТА ТАРЖИМАСИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ	47
---	----

МЕТОДИКА

Махмудова М. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАРБИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	52
--	----

Муминова О., Меликова М. НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ УЧЕНЫХ ВОСТОКА И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ ДЛЯ РАЗВИТИЯ МИРОВОЙ НАУКИ	57
--	----

МАГИСТРЛАР МИНБАРИ



Абдуназарова З. ВАРИАБЕЛЬНОСТЬ ФРАЗЕОЛОГИИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА
В АСПЕКТЕ КОНТЕКСТУАЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ.....62

Исмаилова Д. ОСНОВЫ СИНТАГМАТИЧЕСКОГО КОНСТРУИРОВАНИЯ
СУБСТАНТИВА В СОВРЕМЕННОМ АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ.....67

Суздальцева А. ПОРТРЕТЫ В ДОКУМЕНТАЛЬНОЙ ПОВЕСТИ ДЖ.УОРРИКА
“ТРОЙНОЙ АГЕНТ”72

Абдухадова З. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОМАТИК
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДА ТИЛЛАРАРО ЭКВИВАЛЕНТЛИК МАСАЛАСИНИ
ЎРГАНИШГА ДОИР.....75

Аноркулов С. И.В.ГЁТЕ ТИЛИДА ДЕРИВАЦИОН ТЕНДЕНЦИЯЛАР78

ТАҚРИЗ

Йўлдошев Б., Икромов И. АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ
МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МУҲИМ ТАДҚИҚОТ, М.ХОЛБЕКОВНИНГ “СТРУКТУРА
АДАБИЁТШУНОСЛИК” РИСОЛАСИГА ТАҚРИЗ.....82

Исмаилов С. А.САЙФУЛЛАЕВНИНГ ПРЕДЛОГЛАРНИ КОДИФИКА-
ЦИЯЛАШНИНГ КОНТЕКСТУАЛ АСОСЛАРИ РИСОЛАСИГА
ТАҚРИЗ.....85



CONTENTS

LANGUAGE

- Turniyazov N.** About Maxmud Koshgarskiy and the word formation phenomenon in the modern language.....7
- Nasrullayeva N.** Gender stereotypes in the English phraseological system.....11
- Mirsanov G’.** The place of temporal adverbials in aspectual semantics.....14
- Kdirbayeva G.** Lexical analysis of verbalizators’ conceptosphere «man» in modern English dictionaries.....18

LITERATURE

- Mahmudov A.** Artistic characteristics of the drama “Wise Natan” by Lessing.....23
- Ochilova D., Xolbekov M.** John Driden and his tragedy “Avrangzeb”26
- Xalikov B.** Description of detective in detective genre of the XX century.....35
- Kabilov U.** Interpretation of the world theme in Uzbek literature.....39

TRANSLATION

- Safarov O.** The Septuagint translation in its historical essence.....47

METHODICS

- Mahmudova M.** National values and methodological grounds for education.....52
- Muminova O., Melikova M.** Scientific heritage of Ibn Sina and its importance for the development of world science.....57

MASTER’S TRIBUNE

- Abdunazarova Z.** Variability of English phraseology in the light of contextual trans formation.....62



Ismailova D. Basics of syntagmatic construction of substance in modern English.....67

Suzdaltseva A. The principal characters in documentary story “The Triple Agent” by Joby Warrick (extracts)”72

Abduaxadova Z On the study of interlingual equivalency of somatic elements in the Uzbek and English languages.....75

Anarkulov S. Derrivational tendencies in Ghote’s language.....78

CRITICAL REVIEWS

Yoldashev B., Ikromov I. An important research concerning the oretical problems of literature studies.....82

Ismailov S. Sayfullayev A. Contextual basics for codifications of prepositions.....85

**МЕТОДИКА****МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ***Муяссар Маҳмудова**Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори*

Калим сўзлар: соғлом ҳаёт, соғлом турмуш, мафкуравий соғломлик, педагогик илмлар, оилавий таълим-тарбия, экологик тарбия

Бола ҳуқуқларини таъминлаш Ўзбекистонда ислохотларнинг бош йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Фарзандлар таълими ва тарбияси масаласи “инсон капитали” тушунчаси доирасида ҳал этилмоқда. Мазкур масала ўсиб келаётган авлоднинг барча ижтимоий эҳтиёжларини назарга олиш ва муҳофаза қилиш, улар турмуш тарзини такомиллаштириш ва ривожлантириш, болалар яшаш тарзини тараққий этган дунё даражасига олиб чиқиш, болалар истеъдодларининг намоён бўлиши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш орқали амалга оширилмоқда.

2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб аталди. 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1998 йилнинг “Оила йили”, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар йили”, 2005 йилнинг “Сихат-саломатлик”, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили”, 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” ва 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда икки буюк қадрият, бир томондан оила, иккинчи томондан бола ва унинг саломатлиги масаласи ҳар вақт давлат ва жамият эътиборида эканлигини тасдиқлайди.

Оила, она ва бола манфаатларини таъминлаш Ўзбекистонда энг устувор вазибалардан саналади. Бинобарин, “Соғлом бола йили” Давлат дастури боланинг соғлом шаклланиши, унинг униб-ўсиши учун бугунги кунда зарур бўлган барча эҳтиёжларни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, дастурнинг амалга оширилиши натижасида соғлом бола шаклланиши учун керак бўлган тизимли ижтимоий инфраструктура яратилади.

Агар биз бугунги кунда оила, оилавий тарбия ва таълим, шунингдек, соғлом бола шаклланиши масалаларини узвий алоқадорликда таҳлил қиладиган бўлсак, бир неча ўзига хос хусусиятлар ўзини ёрқин намоён этади. Энг аввало, давлат дастурида ўзбек оиласи ва ўзбек миллатига хос бўлган “болажонлик” қадрияти ўз аксини топган. Дастур миллатимизнинг азалий қадриятларини юзага чиқариб, баркамол фарзандга доир эл-юрт орзу-ҳавасини амалиётга жорий қилишга йўналтирилган. Бинобарин, дастурнинг чуқур тарихий ва ижтимоий илдизлари мавжуд. Дастур бўш жойда эмас, балки миллий қадриятлар негизида шакллантирилган. Дастурнинг бир томондан, жамиятимизнинг оила ва оилавий тарбияда соғломлик талабларига бўйсундирилган қадриятларни юзага чиқараётганлиги, иккинчи томондан, дастурнинг давлатимиз томонидан амалга



оширилаётганлиги ва учинчидан, унинг миллий тарихий илдизлари мавжудлиги давлат ва халқ мақсадларидаги яқдилликни, бири-иккинчисини тўлдиришни ёрқин намоён қилади. Давлат ва жамиятдаги мана шундай мақсадлар бирлиги, улар мажмуи барқарорлик ва тараққиёт асоси саналади. Бинобарин, дастурни давлат ва халқ азалий қадриятларидаги бирлик ва ҳамжиҳатлик сифатида қабул қилмоқ ўринлидир.

Мустақиллик йилларида соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, соғлом мафкура ва соғлом ғоялар, тиббий соғломлик баробарида жисмоний ва мафкуравий соғломлик нормалари педагогик илмлар мазмунига чуқур сингдирилди. Соғлом авлод ғояси миллий ғояга айлантирилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланишича, оилавий таълим ва тарбия жараёни, хусусан мактабгача таълим тизими “бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди”.

Мактабгача таълим болада ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача таълим болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади”. Бинобарин, оилавий таълим ва тарбиянинг соғлом бола ўстиришдаги ўрни муҳим бўлиб, унинг ўзига хос вазифалари кўлами мавжуд. Оила болани соғлом қилиб ўстиришда жуда муҳим бўлган илк босқичлардан бири саналади. Бунда оиланинг ўрни ва мавқеи бетакрордир. Шу боис соғлом бола шаклланишида унинг илк муҳим бўғинларидан бири бўлган оилавий таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор зарур. Оилада соғлом бола шакллантирилишининг педагогик асослари, унинг педагогик метод, усул,

восита ва йўллари назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик амалиётига айлантирган ҳолда миллий қадрият даражасига кўтариш зарур.

Нима учун оиланинг соғлом бола тарбия қилишдаги ўрни ва унинг вазифалари ҳар доим, айниқса ҳозирги замон учун долзарблик касб этади? саволининг туғилиши табиий.

Биринчидан, айнан оила институти боланинг ҳаётида илк ижтимоий макон саналади. Бола характери ва унинг шахсий қадриятлари тизими оилада илк бора қўлланила бошланади ва шакллантирилади. Уларнинг таркибида, оддий гигиеник талаблар қаторида, бола соғломлигини таъминлашга йўналтирилган ўзига хос мураккаб тиббий талаблар, яъни тиббий билим, малака ва кўникмалар тизими ҳам мавжуд. Тиббий билимлар жуда катта трансформациядан, яъни қайта англаниш жараёнидан ўтмоқда. Агар оила муҳитида соғломлик масалаларига, унинг замонавий мазмунига алоҳида эътибор қаратилмаса, боланинг тафаккури ва унинг ўз саломатлигига, атрофидагилар саломатлигига бўлган эътибор оқсай бошлайди. Бунинг ўзига хос ижтимоий оқибатлари ҳам мавжуд. Чунки оила институти барча мавжуд миллий анъаналарни бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказувчи механизм ролини ҳам ўйнайди. Бир авлод, ёки биргина бола тафаккурида ўз вақтида шакллантирилмаган соғломлик ғоялари аслида бутун бир авлод анъаналарида соғломлик ғояларининг сиқиб чиқарилишига олиб келади. Мана шундай муаммоларни баъзи бир ҳаётий ҳолатлар тасдиқлаб беради. Масалан, Ўзбекистонда мурғак гўдакларнинг саломатлигини таъминлаш учун давлат томонидан моддий ва маънавий таъминланадиган ҳамда мажбурий саналган турли инфекция касалликлардан эмлаш тизими мавжуд. Унинг таркибига 14 турли касалликлардан бола туғилганидан оқ унинг бир ёшлик



давригача, сўнг кейинги даврларига ҳам тегишли эмлаш тизими фаол ишлатилади. Бироқ баъзи оилалар бундан ўз ҳолича воз кечади. Бунинг оқибатида эса бола ҳаётига, унинг саломатлигига бўлган таҳдид кундан кун кучайиб боради. Яна бир мисол. Туғилган чақалоқни она сути билан боқиш. Ҳозир бунга жуда катта аҳамият берилади. Халқ анъанасида ҳам шундай. Чунки айнан она сути орқали бола илк иммунитетга эга бўлади. Бироқ яқин ўтмишни эсласак, она сути ўрнига турли сунъий боқув усуллари тарғиб этилган. Бунинг жуда катта хато эканлигини биз бугун чуқур англаймиз. Учинчи мисолни оладиган бўлсак, аёлларни баъзи касалликлардан сақлаш учун уларни эмлаш тизими ишлаб чиқилган. Бироқ бу тизим ҳали мамлакатимизда кенг тарқалмаган. Бунинг сабаби аҳолининг бу ҳақидаги ахборотга эга эмаслиги, жамиятда эса тарғибот-ташвиқот ишларининг сустлигидир. Бинобарин, оилада соғломлик ақидаларининг замонавий талабларини тарғиб ва ташвиқ қилиш ишларини давом эттириш, мана шундай ҳолатлар олдини ола билиш тақозо этилади. Ёшларимиз оила қураётган экан, оиланинг соғломлик ақидаларига алоқадор бўлган билимлар мажмуидан тўлиқ хабардор бўлишлари шарт. Бунинг учун эса махсус давлат дастурлари асосида ёшлар учун “Оиланинг соғломлик энциклопедияси”, “Оиланинг соғломлик асослари”, “Оилада тиббий муаммолар ва уларни ечимга олиб келиш усуллари”, “Оилада бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг 50 асослари”, “Оила ва соғломлик: 100 саволга минг жавоб”, “Оилада болани соғлом қилиб ўстиришнинг педагогик асослари” мавзуларидаги оммабоп нашрларни давлат ва жамоат ташкилотлари буюртмалари асосида амалга ошириш даркор.

Иккинчидан, айнан мустақиллик йилларида соғлом авлод ғояси педагогик илмлар таснифига янгитдан жорий этилди ва саломатлик асослари таълим

тизимининг муҳим унсурларидан бирига айлантирилди. Бунинг натижасида таълим тизимида «Одобнома», «Саломатлик алифбоси», «Тиббий билим асослари», «Инсон анатомияси ва физиологияси», «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Мактабгача гигиена ва педиатрия асослари», «Валеология», «Экологик тарбия», «Ёш физиологияси ва гигиенаси», «Жисмоний тарбия», «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш» каби махсус ўқув соатлари ажратилди, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Шунингдек, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласининг ижтимоий, психологик, педагогик, иқтисодий, тиббий ва гигиеник аспектларини ўз ичига қамраб олган «Жинсий тарбия ва оиладаги жинсий муносабатлар гигиенаси», «Оила педагогикаси», «Оилавий турмуш бўсағасида», «Талабаларни наркотик моддаларга қарши тарбиялаш» каби ўқув дастурлари таълим йўналишларида ўз аксини топди. Бироқ, боланинг соғломлик ақидаларини шакллантириш фаолияти мактабгача бўлган даврдаёқ бошланади. Бугунги кунда мана шу йўналишда ишлашимиз тақозо қилинади. Ўзбекистон телевидиеси орқали эфирга узатила бошланган “Оилавий” каналининг, шунингдек инсон саломатлиги асосларини тарғиб этувчи барча кўрсатувларнинг мазкур вазифаларни амалга оширишдаги ўрни жуда муҳим. Телевидение инсонлар тафаккури, уларнинг онгига йўналтирилган энг қисқа ва энг таъсирли йўл саналади. Жамиятимизнинг мана шундай каналга эҳтиёжи жуда баланд. “Оилавий” канали фаолиятини оилавий тарбиядаги соғломлик ақидалари масаласига йўналтириш жамият олдида турган улкан вазифани амалга ошириш учун кўмаклашиши табиий. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жойизки, оилавий тарбияда соғломлик ақидаларига бағишланган илмий-назарий китоблар қаторида ота ва оналарга мўлжалланган турли методик қўлланма ва оммавий



нашрларга бўлган эҳтиёж ҳам жуда баланд саналади. Мана шундай нашрлар қаторида “Ота-онанинг педагогик вазифалари ва уларни амалга ошириш методикаси”, “Педагогикада ота ва оналар роли ва ўрни”, “Оилада соғлом бола тарбияси”, “Соғлом оила соғлом бола асоси”, “Оилада соғлом бола тарбия қилиш асослари”, “Бола тарбиясида ота-оналарга педагогик-психологик маслаҳатлар” каби нашрларни амалга ошириш долзарблик касб этиб бормоқда. Чунки ҳаётимиз шиддат билан ўзгариб бормоқда, мана шу шиддатли замонда ота-оналарни педагогик билимлар билан қуроллантириш масаласи ҳам кундан кун энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олмақда.

Учинчидан, оилавий таълим ва тарбияни амалга оширувчи инсонлар бу - ота-оналарнинг ўзлари саналади. Оилада таълим ва тарбия фаолияти билан шуғулланувчилар таркибида катта ва кичик макон мавжуд. Кичик макон боланинг ота ва онаси саналса, катта макон бобо ва бувилар, тоға-холалар, амаки ва аммалар, умуман қариндош уруғларни ўз ичига қамраб олади. Мана шу тизим кўпроқ миллий урф-одатлар асосида ўз фаолиятини ташкил қилади. Унинг фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришида илмий-назарий манбаларга таяниши суст кечади. Бунинг сабаблари, бир томондан, таълим-тарбия олиб боровчилар учун махсус педагогик билимларнинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан, уларнинг ўз маконидан ташқарига чиқиб кетиш иштиёқларининг мавжуд эмаслиги, бунга оила кадриятлари йўл қўймаслиги саналади. Бироқ замонавий оилаларда болаларнинг турли ахборот-коммуникация тизимларини яхши эгаллаганлиги оқибатида ёшлар орасида турли нотўғри ва ноахлоқий ахборотларнинг кенг тарқалаётганлиги ҳолати мавжуд. Шунга кўра, боланинг соғломлик ақидаларини шакллантирилишида ота-онага нисбатан ўзга таъсир кучи кучаймоқда, яъни бола

манфаатларига аслида узвий боғланмаган ҳамда унинг муҳофазасини таъминлашни ўзининг бош вазифаси санамаган турли ахборот-коммуникация воситаларининг тарбиявий таъсири болага кўпроқ ва кенгроқ бўлиб бормоқда. Бинобарин, ота ва оналарнинг тарбиявий мавқеини таъминлаш, уларни улар шуғулланиши зарур бўлган оилавий педагогик фаолиятга мақсадли тайёрлаш, улардан таълим ва тарбия менежерларини яратиш, уларнинг оилавий тарбиядаги масъулиятини ошириш баробарида давлат томонидан турли ёт ахборот-коммуникация воситаларининг бузғунчи таъсиридан болани ҳимоя қилиш тизимини кенг жорий этиш тақозо этилади. Агар мана шундай ноахлоқий ахборотларни тарқатаётган структураларга нисбатан жинойий чоратadbирларни қўллаш ва таъминлаш кучайтирилса, табиий равишда ноахлоқий ахборотлар тарқатилишининг олди олинган бўлади.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашига кўра, соғлом турмуш тарзини шакллантириш омиллари инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги комплекс, яъни гигиеник, экологик, гендер, тиббий, жинсий ва бошқа билим ва кўникмаларнинг инсон тафаккурида инъикос этиши билан алоқадордир. Ана шу жараён учун эса махсус психологик-педагогик шароитнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ана шундай талаб этиладиган шароитларни ўзбек оиласида ҳам вужудга келтириш зарур бўлади. Талаб қилинаётган шарт-шароитлар сирасига саломатлик ғоясининг умуммиллий ғояга айланиши, саломатлик ва спорт инфратузилмаларининг мавжудлиги, саломатликни муҳофаза қилиш борасидаги билимларни эгаллаш имкониятларининг яратилганлиги каби талаблар жуда катта аҳамият касб этади. Мана шундай шарт-шароитлар инсонни соғлом турмуш тарзига ундайди ва соғлом турмуш тарзи тамойилларининг амалийлигини таъминлайди. Бола



соғломлиги ғоясининг жамиятда умуммиллий ғояга айланиши ва унинг таъминланиши соғлом бола ғоясининг ҳар бир оила кадриятига айланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Саломатликнинг энг муҳим кадриятлардан эканлигини онгли равишда англаш унинг амалийлигини таъминлашга қаратилган онгли саъй-ҳаракатларни талаб этади. «Бола соғломлиги – бебаҳо бойлик» талаби саломатликни муҳофаза қилишга қаратилган шахсий муносабатни шакллантириши лозим. Ана шундай шахсий муносабат оилавий таълим-тарбиянинг энг муҳим талабига айланиши тақозо этилади.

Д.Шарипованинг фикрига кўра, «саломатлик – барчанинг ва ҳар бир кишининг иши»дир. Инсон саломатлиги – оила, маҳалла, мамлакат бойлиги ҳисобланади. Инсон саломатлиги, касалликлар даражаси ва хасталикларнинг олдини ола билишдир. Саломатлик соғлом турмуш тарзининг муҳим омилларидандир. Инсонга ўз саломатлигини сақлаб қолишга кўмак берадиган омилларни олима қуйидагича таърифлайди:

- жисмоний тарбия ва спорт;
- тўғри ташкил қилинган кун тартиби;
- оила аъзолари ва ён атрофдагилар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва тинч-осойишта турмуш кечириш;
- зарарли одатларнинг қули бўлмаслик;
- уйдаги тартиб, озодалиқ ва саранжом-саришталик;
- шахсий ва умумий гигиена қоидаларига амал қилиш.

Таъкидланган омиллар халқимизнинг миллий кадриятларининг муҳим унсурларидан саналади. Кўришиб турибдики, соғлом бола шаклланишига оид зарур билимлар мажмуасини ота-оналар онгида тарбиялаш мақсадга етишнинг энг қисқа ва самарадор йўлидир. Оилада соғлом бола шаклланиши оила, бола ва саломатлик асослари, бола, ижтимоий қатламлар ва саломатлик, бола, шахс ва тиббий маданият, бола, шахс ва соғлом турмуш тарзи, бола, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида мунтазам саъй-ҳаракатлар ташкил қилинишини тақозо этади.

Дунёвийлик асослари ва демократик тамойилларга таянган барча давлатларда инсоннинг турли ижтимоий, сиёсий, маънавий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш баробарида алоҳида эътибор бола, ўсиб келаётган авлод саломатлиги масаласига, яъни соғломлик ақидаларини шахснинг кундалиқ турмуш нормалари даражасига кўтаришга йўналтирилади. Бугунги кундаги вазифа мана шу соғломлик ақидаларининг халқимизга доир ва замонавий мазмунини оилавий кадриятлар тизими даражасига кўтаришдан иборатдир. Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” давлат дастурининг қабул қилиниши соғломлик ақидаларининг қонуний тарзда ҳаётга жорий этилиши учун имкониятлар яратади, унинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлайди, шахснинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний тараққий этиши учун зарур шарт-шароитлар тизimini яратишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Мусурмонова О., Абдурахимова Ф. Маҳаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2007. –Б. 53.
2. Шарипова Д.Ж. Оиламнинг саломатлик сирлари. –Т.: UNICEF, 2000. –Б. 17.



Махмудова М. Методологические основы воспитания и национальные ценности. 2014 год в Узбекистане объявлен годом «Здорового ребёнка». В связи с этим была принята государственная программа «Здорового ребёнка». В настоящее время основной задачей является сохранение традиционных ценностей семьи присущей узбекскому народу.

Makhmudova M. National values and methodological grounds for education. 2014 is announced as a year of “Healthy child” and state programme of healthy child was accepted. Nowadays the main task is preserving traditional family values inherent to Uzbek people.